

ОЙЛИК МАВЗУ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ		номли катта гуруҳи					
Мавзу		Китоб билан дўстлашамиз					
Давр		Февраль 4 ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;	Гурли хилдаги мустаққил фаол ҳаракатларни ривожлантириш,болани ҳаракатланиш тажрибасини умум ривожлантирувчи ва асосий машқлар ҳисобига бойитиш.					
	ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Болаларда эмоционал нутқ бойлигини шакиллантириш, китоб билан дўстлашиш, ўйин вақтида мулоқат қилиш, дўстоналикни тарбиялаш					
	нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;	Мустаққил нутқда оддий гаплардан фойдаланган ҳолда хийкоя қилишга ургатиш фаол луғатидаги сузларни граматик тўғри ўзгартириш					
	билиш жараёнини ривожланиши;	Болаларникитоб тарихи билан таништириш.Турли жанордаги китоблар ҳақида тушинтириш бериш,Китобга тўғри муносабатни тарбиялаш..					
	ижодий ривожланиш.	Ижодкорликни ривожлантириш,мойкаламни учини тўғри, ғажак, тулкинсимон, доира ,нукта ҳаракатлар билан юргизишни шакиллантириш					
Ривожлантириш маркази		Таълим-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Мустақил таълим фаолияти							
Мустақил таълим фаолияти	Қурилиш ва конструктор ўйинлар	Қоғоздан яшаш"Ўз қулларинг билан китобча яшаш"		Севимли кутубхона йирик қурилиш материаллардан		Қоғоз,қайчи,елим,салфетка,кичик суратлар.	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	"Китоб дукони"		"Кутубхона" сюжетли ролли ўйин		мавзуга хос атрибудар	
	Нутқ ва тил	Севимли китоблар бўйича шеърят кечаси					Ҳеракли китоблар
	Фан ва табиат маркази	Қоғоз хусусиятлари билан танишиш					Гурли хил қоғозлар
	Санъат маркази	Лой иши "Кўзача"		Декоратив расм чизиш(Кўзачани бўя)		Рангли қала,лой,қоғоз,салфетка.	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ 4 ҲАФТАСИ **«Китоб билан дўстлашамиз»**

Қурилиш конструктор ўйинлари.

Қоғоздан ясаш “Ўз қўлларинг билан китобча ясаш»

Мақсад: қоғоз марказдан буклаш йўли орқали китобча ясашни, бутун қоғозни жамлашни, қоғозга эртақ қаҳрамонларининг расмини ёпиштиришни, безашни ўрганади. Меҳнат фаолияти орқали китобларга ҳурмат ҳиссини пайдо бўлади.

Керклижихоз ва материаллар: А4 ҳажмдаги қоғозлар, рангли қоғозлар, суратлар қайчилар, елим, сочиқча, фламастерлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Китоб тайёрлаш ҳақида суҳбат ўтказилиши.
2. Тайёрланган китобчаларни намунасини кўрсатиши.
3. Ижодий фаолиятига раҳбарлик қилиши.
4. Китоблардан кўргазма ташкил этиши.

Қўшимча қисм: Кутубхона акс этган суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларни жамоа бўлиб ишлаши, ҳамкорлик жараёнида ўзини тутуш маданиятига бошланган ишни охирига етказишга ўргатиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

«Китоб дўкони»

Мақсад: Жамоавий ўйинда фаол иштирок этади, ўйин сюжетида мувофиқ ҳолда ўзининг ролини бажаради, актёрлик мазҳаратини кўрсатади, барча ўйинчоқларни муҳофаза қилади ва улар билан келиша олади.

Жиҳоз ва материаллар: Ўйин учун атрибутлар, дўкон, тоқчалар, китоблар, журналлар. АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин мазмунини бўйича суҳбат ўтказилиши. АКТ
2. Ролларни тақсимлаши.
3. Ўйиндаги фаоллиги.
4. Суҳбатни тўғри олиб борилиши.

Қўшимча қисм: Китоб дўконига экскурсия, АКТ.

Эътиборга молик жиҳати: Дўстона муносабатларни тенгдошини қўллашга тайёрлиги, дўстларнинг фикрига қулоқ солиши ва амал қилиши, бахсларни тўғри хал этиши.

“Тил ва нутқ маркази”

Мавзу: Севимли китоблар бўйича шерият кечаси

Мақсад: боғловчи нутқни ривожлантиради, схема бўйича тарифловчи хикоя тузади. Эртақ қаҳрамонларини ўзига хос хусусиятларини таърифлаб беради. Нутқи ривожланади. Шеър айтиш малакаси шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар : болалар адабиёти

Фаолиятни олиб борилиши :

1. Шеърят кечаси ҳақида билим берилиши.
2. Шеър ёдлаш усули билан танилиши.
3. Шеърни ифодали айтишга ўрганиши.
4. Шеърни мазмунини тушуниб ёд олишни ўргатиши.

Қўшимча қисм: Шеърни ифодали ёдлаб намуна кўрсатиш.

Эътиборга молик жиҳати:

Шеър айтиш орқали боғланган нутқ шаклланиши, хотирани мустаҳкамланиши, шеър авторлари билан танилиши.

Илм ва табиат маркази

Мавзу: “Қоғоз хусусиятлари билан танишиш”

Мақсад: Қоғоз хусусиятлари билан танишади, қоғоз турларига қараб қайси жараёнда ишлатилишини билиб олади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: картон, рангли қоғоз, шилдироқ қоғоз, қум қоғоз...

Фаолиятнинг олиб бориши:

1. Турли хилдаги қоғозларни кўрсатилиши.
2. Ушлаб кўриб танишиши, номини билиши.
3. Хусусиятлари ҳақида суҳбатлашиши..
4. Кўзни юмиб, пайпаслаб номларини топиши.

Кўшимча қисм: Қоғозларга қалам билан чизиб кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: Қоғозлар ҳақида маълумот билиши, кундалик ҳаётда ишлатиладиган қоғоз турларини билиши.

Санъат маркази

“Кўзача” лой иши .

Мақсад: Лойи бутун қисмидан фойлаланиб ясаши, майда қўл маторикасини ривожланиши, диққати, тасаввури, ижодкорликни шаклланиши.

Жиҳоз ва материаллар:кўзача намунаси, тахтакачлар, стеклар, салфетка, лой.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўзачани диққат билан кузатиши.
2. Ясаш усуллари тушуниб олиши.
3. Ясашда бармоқларни ҳаракатлари ва текислаши.
4. Тайёр ишлар кўргазмаси.

Кўшимча қисм: Тайёр ишлар куришиб, бўяшга тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Лой билан озода ишлаши.
2. Тасаввурни шаклланиши.
3. Майда маторикани ривожланиши ва кўзача ҳақида билимга эга бўлиши.

Қурилиш конструктор ўйинлари.

“Севимли кутубхона” йирик қурилиш материалларидан

Мақсад: Шахсий ташаббусга кўра ўзининг сеvimли кутубханасини қура олади. Уларни янги қисмлар билан тўлдириши, Кутубхона ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади

Жиҳоз ва материаллар: йириккубиклар жамланмаси, конструктор модули, турли шаклдаги қурилиш ашёлари. Кичик китобчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали кутубхона билан таништириши.
2. Қуриш усуллари тушунтириши.
3. Кутубхона ҳақида билимга эга бўлиши.
- 4.Китоб ҳақида шеър айтиш.

Кўшимча қисм: Кутибхонага экскурсия ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Китобга, кутубхонага меҳр уйғотиши, дўстона муносабатда бўлиши, Ясаган китобларини авайлаб асраши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драматизациялаш маркази

“Кутубхона” сюжетли-ролли ўйин.

Мақсад: “Кутубхона” ва “Кутубхоначи” касби билан танишади, касбга мос ҳаракатларни бажаради. Китоблар ҳақида гапириб беради, кутубхона варақасини тўлдириш кераклигини билиб олади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гуруҳдаги болалар кутубхонаси, китобхона варақаси, (формуляр), ручка, рўйхатга олиш дафтари.

Фаолиятнинг олиб бориш:

1. Уйин мазмунини бўйича суҳбат ўтказилиши.
2. Ролларни тақсимлаши.
3. Болалар ўйини фаоллашиши.
4. Энг яхши рол ижрочисини рағбатлантириши.

Қўшимча қисм: Кутубхонага экскурсия.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларнинг кутубхона ва кутубхоначи касбига ва китобга меҳри ошиши.

Санъат маркази

Декоратив расм чизиш. (кўзачани бўяш)

Мақсад: Рангларни тўғри танлаган ҳолда кўзачани бўяши, мўйқаламни тўғри ишлатиши, майда маторикани шаклланиши, ўзбек миллий лойдан тайрланадиган буюмлар ҳақида билимга эга бўлиши.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли бўёқлар, кўзача, мўйқалам, қоғоз, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбек миллий буюмлар ҳақида суҳбатлашиши.
2. Кўзачани безатишда нақш элементларини ўйлаб топиши.
3. Кўзача ҳақида ҳикоя айтиши.
4. Болалар ишларининг намойиши.

Қўшимча қисм: Миллий нақш элементлари асосида яратилган кўзачаларни томоша қилишда (болалар мусиқа садоси остида расм чизадилар).

Эътиборга молик жиҳати: Болаларни диққатини миллий нақш элементларининг хилма-хиллигига қаратиш, ижодий қобилиятларини ошириши, диққат, тасаввурларини шаклланиши.